



**ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ



**“ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИНИНГ
ЗАМОНАВИЙ
МУАММОЛАРИ”**

*мавзусидаги анъанавий XVI –
ёш олимлар, магистрантлар ва
иқтидорли талабаларнинг
илмий-амалий анжумани*

16

*XVI – traditional Republic
scientific practical conference of
young scientists, master students
and talented students under the
topic*

**“THE MODERN PROBLEMS OF
AGRICULTURE AND WATER
RECOURCES”**

**МАКОЛАЛАР ТЎПЛАМИ
I-ҚИСМ**

Тошкент – 2017 йил

**ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

**“ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИНИНГ ЗАМОНАВИЙ
МУАММОЛАРИ”
мавзусидаги анъанавий XVI- ёш олимлар, магистрантлар ва
иқтидорли талабаларнинг илмий-амалий анжумани**

МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ

/I-ҚИСМ/

ТОШКЕНТ – 2017

М У Н Д А Р И Ж А

1-ПЎЎБА

Сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш муаммолари

№	Муаллиф (лар)	Мақола номи	Бет
1.	Аракхоjayeva T. - ТИМИ assistenti Meylıqulov S. - ТИМИ talabasi	Suv omborlarini loyqalanishini oldini olish	17
2.	Атакулов Д. - ТИМИ талабаси	Сарф коэффициентини лаборатория шароитида аниқлаш	18
3.	Атакулов Д. - ТИМИ талабаси	Сув сарфини гидроавтоматлар билан бошқариш	20
4.	Атакулов Д., ТИМИ талабаси	Кузги буғдой уруғларини каторлаб экишнинг авзаллиги	23
5.	Абдоқодирова С.П. - ТИМИ ассисенти. Ҳайитова М.С. -ТИМИ стаж ўқт	Кўп тармоқли фермер хўжалиklarини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари	25
6.	Abdusamadov B., Qosimov B. - ТИМИ talabalari	Тупроқ еттизиyası (Namangan viloyati)	28
7.	Бобоқулов Ш. - ТИМИ талабаси	Ер устидан сугоришни такомиллаштириш	30
8.	Ботиров Ш.Ч. - ТИМИ доценти, Арипова Д.Б. - ТИМИ магистри	«Наврўз» навининг мақбул парвариши	33
9.	Ботиров Ш.Ч. - ТИМИ доценти, Арипова Д.Б. - ТИМИ магистри	Тирик-бўз тупроқлар шароитида «ИБРАТ» гўза навининг агротехникаси.	35
10.	Гадаев Н.Н. - ТИМИ ассисенти, Пасирова М.С., Хамидов А. - ТИМИ талабаси	Сув ва ер захираларидан тежамли фойдаланиш юқори ҳосил гаровидир	38
11.	Гадаев Н.Н. - ТИМИ ассисенти, Насирова М.С. - ТИМИ талабаси	Бухоро вилояти сув тақчил шўрланган ерларида мелiorантлар ёрдамида тупроқнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш тадбирлари	40
12.	Зухридина К.К., Расулев Т.Ш. - студенти ТИИМ	Использование субиригации в период маловодья в Республике Узбекистан	42
13.	Ибрагимова З. - ТИМИ ассисенти, Собиров Ш. - ТИМИ талабаси	Трапециаднал шаклдаги каналнинг гидравлик жихатдан энг қулай кесимини аниқлаш услублари	45
14.	Мавлянова Д.А. - ТИМИ ассисенти, Йўлдошев Х. - ТИМИ талабаси, Раџимова И. - ТИМИ талабаси	Сув омборлари тўғишлари оқим кескиш ериб ўтишини башорат қилиш зарурияти	47
15.	Кошқарбаева М.А. - ТИМИ талабаси	Қалқадарё вилоятининг сув ресурслари ва улардан ушумли фойдаланиш	51
16.	Qilichova Z.I. - ТИМИ magistranti.	Yerlarning meliorativ holatini yaxshilashda intensiv jo'xori yetishtirish va sharq qizilniyyasini o'stirish uslubi bo'yicha ixtirolar tahlili.	53
17.	Қаландарова М.М. - ТошДАУ магистри, Қурбонмуратова М.Б. - ЎХҚИТИ ходими	Тупроқни соғломлаштириш ва экологик тоза маҳсулот олишда микроорганизмларнинг аҳамияти	55
18.	Махмудов V.Sh. - ТИМИ talabasi, Аракхо'jayeva T. - ТИМИ assistenti	Suv omborlarda ekologik barqarorlikka ta'sir etuvchi omillar	57
19.	Мирзақобулов Ж. - ТИМИ магистри	Роботлар инсон турмуш тарзи ва юқори ҳосил гарови (Тошкент вилояти мисолда тавсиялар)	59

Сув-озика меъёрларининг ғўза навлари ўсиб ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири.

Вар	Терим олди кўчат қалинлиги, минг туп/га	Кўсақлар сопи, допа	1 кўсақдаги пахта вази, гр	Пахта ҳосили ц/га	Мавсумий сугориш меъёри, м ³ /га	Сув сарфи, м ³ /п
	81,1	11,4	4	31,1	5490	176,5
1	82,0	10,8	4,9	34,2	5200	152,0
2	81,7	11,3	5,1	37,4		139,0
3	82,0	10,5	4,83	33,8	5490	162,4
4	82,4	10,3	4,95	34,6		158,7
5	82,1	10,4	4,8	33,2	5180	156,0
6	81,5	10,5	4,9	34		152,3

НСР₀₅ 1,46 ц/га S_x 4,5 %

2. ЧДПСга нисбатан 65-65-65%, яъни 1-3-1 тизим асосида 5200 м³/га сугорилганда, ўнг меъёри N-220; P-154; K-110 кг/га ни берилган вариантда юқори ҳосилдорликка эришидик. Ҳосилдорлик 37,4 ц/га етди.

Олиб борилган тажрибамизни таҳлил қилиб шу хулосага келдик:

Ўрта толали Наврўз ғўза павиши 65-65-65% намликда сугориш, ўнгитлар меъёри N-220; P-154; K-110 кг/га берилгани макул.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Нурматов Ш ва бошқалар. «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» ЎзНИТИ, Тошкент-2007.
2. Хамидов М.Х., Шукурлаев Х.И., Маматалиев А.Б., Қишлоқ хўжалиги гидротехника мелиорацияси -Тошкент: «Шарқ» 2008. -408 б.
3. Доспехов Б.А. «Методика полевого опыта» Москва «Колос» 1979.

УДК:633.51.631.675/442.6(575.15)

ТИПИК-БЎЗ ТУПРОҚЛАР ШАРОИТИДА «ИБРАТ» ҒЎЗА НАВИНИНГ АГРОТЕХНИКАСИ.

**Ш.Ч.Ботиров – “Ирригация ва мелиорация” кафедраси доценти.
Д.Б.Арипова ТИМИ «Гидромелиорация» мутахассислиги 2-курс магистри**

Аннотация

Тошкент вилояти типик-бўз тупроқлар шароитида Ибрат ғўза навининг ўсиши ривожланиши; ҳосил тўплаш бўйича фенологик кузатишларнинг далолат беришига сув-озика меъёрларининг оширилиши навда бош поясининг ўсиши тезлашиди. Ибрат навда 65-65-65% режимда нам етишмаслиги, 70-70-65% режимга нисбатан бир кўсақдаги пахта вази 0,03-0,26 г, пахта ҳосилдорлиги 1,3-3,3 ц/га оралигида кам ҳосил олинди.

Ибрат ғўза навини ЧДПСга нисбатан 70-70-65 %, яъни 1-4-2 схемада 5980 м³/га сув берилганда, ўнгит меъёри N-220; P-154; K-110 кг/га берилган юқори ҳосилдорлик 41,5 ц/га етди.

Ўзбекистон дунёда энг шимолӣ пахтачилик минтақаси бўлишига қарамай, мамлакатимиз селекционер-олимларининг самарали меҳнатлари натижасида кейинги қатор йиллар давомида тезпишар, серҳосил ва тола сифати юқори бўлган ғўза навларини яратишда жаҳонда ўз ўрни-мавқеига эга. Селекционерлар томонидан яратилган ва ҳозирда районлаштирилган ва истиқболли навларнинг парваришлаш агротехникасини

ишлаб чиқишда уларнинг сув-озика меъёрлари истеъмоли ва суғориш тартиби муҳим аҳамият касб этади. Ваҳоланки, ҳар бир ғўза нави ўзининг агробиологик хусусиятларига мос равишда сув-озика меъёрларига талаби ҳар хил бўлади [1].

Шунинг учун ғўза навларини сув-озика меъёрлари истеъмоли, суғориш тартибини ўрганиш ва сув-озика меъёрларини тежаш масаласи деҳқонларимиз олдида турган ўта долзарб муаммолардан бири бўлиб кетмоқда.

Юқоридаги муаммоларни қисман бўлсада ҳал қилиш мақсадида ўрта толали «Ибрат» ғўза навининг сув-озика меъёрлари истеъмоли ва суғориш тартибини дала, ишлаб чиқариш тажрибалари асосида ўргандик.

Ягона тажриба тизими асосида ПСУЕАИТИ марказий тажриба хўжалиги типик-бўз туплоқлар шароитида тадқиқот ишларини олиб борилди. Тадқиқотлар ПСУЕАИТИда ишлаб чиқилган услубий қўлланмаларга риоя қилган ҳолда ўтказилди [2].

Дала тажрибалари ва синовларда тупроқдаги сув олди намлик тартибини икки вариантти ЧДНСга шибатаи 65-65-65%, 70-70-65%, НРҚнинг уч меъёри N-160, P-112, K-80 кг/га, N-190, P-133, K-95 кг/га ва N-220, P-154, K-110 кг/га (соф ҳолда) таъминланган ҳолда ўрганилди (1-жадвал).

1-жадвал.

Тажриба тизими.

Вариант	Ғўза навлари	Тупроқнинг суғориш олди намлиги ЧДНС %	Минерал ўғитларнинг йиллик меъёри, кг/га(соф ҳолда)		
			N	P	K
1	Ибрат	65-65-65	160	112	80
2	Ибрат		190	133	95
3	Ибрат		220	154	110
4	Ибрат	70-70-65	160	112	80
5	Ибрат		190	133	95
6	Ибрат		220	154	110

Мавсум бошида тажриба даласининг сув-физик ва агрохимёвий хоссалари аниқланди. Тажриба даласининг мавсум бошида тупроқнинг ҳажм оғирлиги, чекланган дала нам сифими (ЧДНС)% , тупроқнинг сув ўтказувчанлиги аниқланди. Тупроқнинг ҳажм оғирлиги 0-70 см да 1,36 г/см³, 0-100 см да 1,37 г/см³ тенг бўлди. Чекланган дала нам сифими 0-70 см да 21,7 %, 0-100 см да 21,9 % га тенг бўлди. Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 6 соат давомида 899 м³/га ни ташкил этди.

Тажриба даласида гумус миқдори : 0-30 см ли қатламда 0,954 % га тенг ва унинг таркиби хайдов ости қатламида (30-50 см) 0,741 % гача камайди (2-жадвал).

2-жадвал.

Тупроқнинг агрохимёвий таҳлили.

Тупроқ қатламлари, см	Умумий шакллари, %			Харакатчан шакллари, мг/кг		
	чиринди	азот	фосфор	NO ₃	P ₂ O ₅	K ₂ O
0-30	0,954	0,108	0,134	15,9	31,8	216,0
30-50	0,741	0,084	0,152	9,4	22,4	196,0

Тупроқ намлигининг энг пастки чегарасини аниқлаш энг долзарб муаммолардан биридир. Бундай намликда ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосил тўшлаши, илдиз тизимининг ер усти қисми билан ўзаро нисбати мутаносиб бўлса, экиндан мўл ҳосил олиш мумкин.

Суғориш таёрланган дастур асосида олиб борилди. Ғўза навини олдиндан белгиланган суғориш олди нимлиги асосида ± 0,5-2,0% фарқи билан суғордик.

Ибрат навини ЧДНС га нисбатан 65-65-65 % режимда 1-3-2 тизим асосида, суғориш оралиғи 17-26 кун, амал-ўсув даврида 790-1130 м³/га, мавсум давомида 5760 м³/га суғорилганда ушбу вариантда тупроқ намлиги етишмаслиги ҳолати кузатилди.

ЧДНС га нисбатан 70-70-65% режимда 1-4-2 тизим асосида, суғориш оралиғи 14-24 куп, амал-ўсув даврида 690-950 м³/га, мавсум давомида 5980 м³/га суғорилганда ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ҳосил тўплаши бир мунча юқори бўлганлиги кузатилади.

Вариантларга минерал ўғитни тажриба тизимида қўрсатилган НРК-меъёрлари асосида берилди. Ўғит нормалари куйидаги муддатларда берилди. Кузги шудгордан олдин Р-75; 90; 100 кг/га, К-45; 50; 55 кг/га, 2-4 чин барг чиққанда N-50; 60 кг/га, Р-37; 43; 54 кг/га, шоналаш бошланганда N-55; 70; 80 кг/га, К-35; 45; 55 кг/га, тушлаш бошланганда N-55; 70; 80 кг/га.

Йиллик миқдори N-160; Р-112; К-80 кг/га, N-190; Р-133; К-95 кг/га ва N-220; Р-154; К-110 кг/га ни ташкил этди.

Ибрат павиниш ўсиши ривожланиши; ҳосил тўплаш бўйича фенологик кузатишларнинг далолат беришига сув-озика меъёрларининг оширилиши навда бош поясининг ўсиши тезлашди. Ибрат навида 65-65-65% режимда нам етишмаслиги, 70-70-65% режимга нисбатан бир кўсақдаги пахта вазни 0,03-0,26 г, пахта ҳосилдорлиги 1,3-3,3 ц/га оралиғида кам ҳосил олинди (3-жадвал).

Вариантлардан олинган пахта ҳосилини Б.А.Доспеховнинг усули бўйича математик ишлов берилди [3].

3-жадвал

Сув-озика меъёрларининг ғўза навлари ўсиб ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири.

Вар	Терим олди кўчат калинлиги, ммг тул/га	Кўсақлар сони, дона	1 кўсақда-ги пахта вазни, гр	Пахта ҳосили ц/га	Мавсумий суғориш меъёри, м ³ /га	Сув сарфи, м ³ /п
1	98,5	9,1	4,3	35,4	5760	162,7
2	99,4	8,9	4,83	36,7		156,9
3	99,0	9	5,07	38,2		150,8
4	100,2	8,7	4,33	36,7	5980	162,9
5	99,1	8,8	5,07	37,1		161,2
6	99,6	8,6	5,33	41,5		144,1
			НСР ₀₅ —0,2 ц/га	S _г —0,52 %		

Тошкент вилояти типик-бўз тупроқлар шаронтида олиб борилган дала тажрибалари асосида куйидагича хулосага келишимиз мумкин:

1. ЧДНСга нисбатан 65-65-65% бўлганда навда нам етишмаслиги сезилди ва пахта ҳосилдорлигига таъсир этди.

2. Бу павини ЧДНСга нисбатан 70-70-65 %, яъни 1-4-2 схемада 5980 м³/га сув берилганда, ўғит меъёри N-220; Р-154; К-110 кг/га берилган вариантда юқори ҳосилдорликка эришдик. Ҳосилдорлик 41,5 ц/га етди.

Олиб борган тажрибамизни таҳлил қилиб шу хулосага келдик:

Ўрта толали Ибрат ғўза навини 70-70-65 % намликда суғориш, ўғитлар меъёри N-220; Р-154; К-110 кг/га берилгани мақул.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Хамидов М.Х., Шукурлаев Х.И., Маматалиев А.Б., Қишлоқ хўжалиги гидротехника мелiorацияси» -Тошкент: «Шарқ» 2008. -408 б.
2. Нурматов Ш ва бошқалар. «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» ЎзИИТИ, Тошкент-2007.
3. Доспехов Б.А. «Методика полевого опыта» Москва «Колос» 1979.